

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ МУАММОЛАРИ



Ё.Ш.Туропов

Жиззах давлат педагогика университети “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ
таълими” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада глобаллашув давридаги миграция жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ахлоқий муҳитга таъсири тадқиқ этилган. Ҳозирги даврдаги миграцион жараёнларнинг ахлоқий моҳияти, глобаллашув давридаги миграциянинг ахлоқий муаммолари, уларнинг сабаб ва оқибатлари очиб берилган. Ўзбекистоннинг миграцион сиёсати хавфсиз, тартибли ва қонуний миграцияни таъминлашга қаратилган миграцион сиёсати каби масалалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Миграция, ахлоқий муҳит, маънавий иммунитет, субмаданият, деградация, глобаллашув, хавфсиз миграция, қонуний миграция

Миграция инсоният ижтимоий ҳаётининг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, у нафақат одамларнинг оддий механик ҳаракати, балки жамият ҳаётининг кўплаб жабҳаларига таъсир қилувчи мураккаб ижтимоий жараён сифатида қаралади. Миграция инсоният тарихида муҳим роль ўйнади. Бу аҳолининг янги ерларга жойлашиши, ерларнинг хўжалик жиҳатдан ўзлаштирилиши, иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, ирқлар, тиллар ва халқларнинг таълим олиши ва аралашishi жараёнлари билан боғлиқ.

XX-аср давомида миграция оқимларининг интенсив кенгайиши кузатилди ва XXI-асрнинг бошларида миграция ҳодисаси барча глобал ўзгаришларнинг таркибий омилига айланди. Дарҳақиқат, глобаллашувнинг ўзи бу жараённи сезиларли даражада кучайтирди. Бу эса миграция жараёнларини тартибга солишда иштирок этувчи халқаро субъектлар манфаатлари мувозанатига эришиш ва сақлашга ёрдам берадиган миграция сиёсатига янги ёндашувларни талаб қилди.

Ҳозирги замонда глобаллашув туфайли аҳоли миграцияси жараёнлари тобора жадаллашиб, янгича моҳият касб этмоқда. Мазкур феноменнинг таъсирида глобал ахлоқий муҳитнинг трансформацияга учраши, мигрантларнинг умумбашарий ахлоқий қадриятлар, норма ва принциплари ўзлаштирилиши ҳамда реципиент жамият ахлоқий муҳитига мослашувидаги қийинчиликлар, иммигрант жамиятда муҳожирларга нисбатан беқарор, бағрикенг бўлмаган муносабатнинг шаклланиши, мигрантларнинг одам савдоси, турли ақидапараст ва экстремистик гуруҳлар, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларига гушиб қолиши, уларнинг индивидуализм, космополитизм, нигилизм каби зарарли иллатларнинг ташувчиси бўлиб қолаётганлиги каби ахлоқий муаммоларга ечим топиш заруратга айланиб бормоқда.

Давлатимизнинг ташқи миграцион сиёсатида муҳожир сифатида чет элда юрган юртдошларимизнинг ҳар қандай вазиятда ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мигрантларга ҳар томонлама кўмак бериш, бошқа давлатлардаги ўзбек диаспоралари билан самарали ҳамкорлик қилиш, хориждаги ватандошларимизнинг маданий, эстетик, ахлоқий эҳтиёжларини қондириш каби вазифаларга давлатнинг фуқаролар олдидаги ахлоқий мажбурияти сифатида ёндашилмоқда. Мамлакатимизнинг миграцияга оид сиёсатида ўзига хос стратегия ишлаб чиқилган бўлиб, «бу борада такдим этилаётган стратегия асосида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, улар қаерда эканликларидан қатъий назар, ишончли ҳимоясини таъминлаш масаласи турибди» [1]. Бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган ва давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган хавфсиз, тартибли ва қонуний миграцияга оид илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Бугун миграция (лот. мигратио –бир жойдан бошқа жойга кўчиши) аҳолининг мамлакат доирасида бир жойдан бошқа жойга ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши, ёки кўчириш [2], деган маъноларда ишлатилади.

Аҳоли миграцияси (лотинча «migratio» – кўчиш) – бу аҳолининг ўз яшаш жойини ўзгартириши, инсонларнинг ҳар қандай ҳудудий ҳаракати, бир географик ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиши ҳисобланади[3]. Ушбу феномен мураккаб мазмунга эга бўлиб, ўзида турли даражадаги инсонларнинг барча шаклдаги ҳаракатларини бирлаштиради. Ўз навбатида аҳоли миграциясини жамият ҳаётидаги бошқа турдаги фаолият шакллари (масалан, социал ҳаракатдан) фарқлаш зарурияти ҳам мавжуд. Умуман олиб қараганда, кишиларнинг мамлакат ичида ёки ташқарисида яшаш жойини географик нуқтаи назардан ҳар қандай шаклда ўзгартириши, муддатидан (доимий, узоқ муддатли, мавсумий ёки қисқа муддатли) ва мақсадидан (доимий яшаш, ўқиш, ишлаш, даволаниш, саёҳат қилиш ва бошқалар) қатъий назар аҳоли миграциясининг кўриниши ҳисобланади.

Миграция жараёни ер юзининг барча ҳудудларида учрайдиган, қадимий ва мураккаб ижтимоий муносабат тури ҳисобланади. Миграция жараёни доимо минтақалар, мамлакатлар, ҳудудий бирликлар чегараларига, демографияси, аҳоли маълумоти, ёши ва бошқа тоифаларига ўз таъсирини кўрсатиб келган. Мазкур соҳада тадқиқот олиб борган О.Д.Воробёвнинг таҳлилларига кўра – «миграция бу аҳолининг яшаш жойини доимий ёки вақтинчалик ўзгартириши бўлиб, ҳар қандай ҳудудий кўчиб ўтиш ижобий ёки салбий омиллар таъсирида содир бўлади»[4]. Яъни инсон ўз туғилиб ўсган, доимий яшаш жойини, қариндошлари ва танишларини шунчаки ташлаб бошқа ҳудудга кетмайди. Шахс ҳаётида содир бўладиган турли объектив ва субъектив сабаблар миграцияга олиб келади. Шу сабабдан миграциянинг кучайиши бу инсониятнинг асосий муаммоларидан бири саналиб, бу шунчаки аҳолининг оддий механик ҳаракати эмас. Миграция табиий-ижтимоий муаммолар натижасида пайдо бўладиган ва бошқа ижобий ёки салбий оқибатлар билан баҳоланадиган мураккаб жараён сифатида қаралади.

Ҳозирда дунёни ташвишга солаётган миграция муаммосининг аянчли оқибатларга сабаб бўлаётгани ҳеч биримиз учун сир эмаслигини таъкидлаш жоиз. Юқорида таъкидланганидек, миграция ўзига хос мураккаб ва зиддиятларга бой бўлган жараёндир. Мазкур ҳодиса кузатувчи ва қабул қилувчи давлатларнинг ҳар иккиси учун бир қатор ижобий жиҳатлар билан биргаликда кўпсонли муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Давлат аҳолисининг нечоғли миграцион жараёнларга жалб этилганлиги, унинг оқибатларининг чуқурлашувида акс этади. Масалан, миграция натижасида муайян оиланинг моддий аҳволи яхшиланади, аммо ота-оналардан бири ёки ҳар иккисининг иштирокисиз оилани сақлаб қолиш ва фарзандлар тарбиясини тўлақонли ташкил этиш имкони камаяди. Миграция муаммосининг ўзига хослиги шундаки, у жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олади ва ўзининг кенг қамровли таъсирини намоён этади. Шунга кўра, мавжуд муаммонинг келиб чиқиши ва уни ҳал этиш борасидаги ёндашувлардан ҳеч бирини универсал деб бўлмайди. Бу борадаги оптимал йўл мавжуд ёндашувлардан комплекс тарзда фойдаланишни талаб этади.

Халқаро миграция ташкилоти берган маълумотга кўра, 1970 йилдан 2019 йилгача мигрантлар сони сайёра аҳолисининг 2,3 фоизидан 3,5 фоизигача ошиб, 84 млн.дан 271 млн.га етган[5]. 1990 йилда Ер юзидаги ҳар 35 кишидан биттаси муҳожир бўлган бўлса, бугун бу кўрсаткич 29 нафарга бир мигрантга тўғри келмоқда. Агарда бутун дунёдаги мигрантларни бир ҳудудга йиғиб, ягона давлатга бирлаштириш имконияти бўлганида эди, ушбу давлат 2019 йил якунига кўра аҳоли сони бўйича дунёда Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Индонезиядан кейин бешинчи ўринни эгаллаган бўларди[6]. Ҳаттоки мигрантлар ҳаёлий давлати аҳолисининг сони бўйича тез орада Индонезиядан ўтиб кетишини ҳам тахмин қилиш мумкин бўлар эди. Бу рақамлар миграциянинг янада глобаллашиб, кўлами ортиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Кўламнинг кескин ортиб бориши эса миграциянинг замонавий тенденциялари шаклланиши олиб келди. Глобал иктисодий муносабатларнинг глобаллашуви билан глобал миграцион жараёнлар бир-бири билан ўзаро боғлиқдир.

Аҳоли миграция бугунги кунга келиб бир қатор ахлоқий муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу муаммолар оқибатида глобал ва минтакавий даражада ахлоқий муҳитнинг трансформациясига олиб келади. Бундай ахлоқий муаммолар қаторига ривожланаётган давлатлардан интеллектуал қобилиятли инсонларнинг ривожланган мамлакатларга оммавий равишда кўчиши, турли омиллар туфайли мажбурий миграциянинг юзага келиши, нолегал миграциянинг ошиб бориши, халқаро жинойтчиларнинг, хусусан жангариларининг миграцияси, одам савдоси кабилар киритиш мумкин. Уларнинг барчаси у ёки бу шаклда миграциянинг намоён бўлиши ҳисобланади. Миграция феноменининг ахлоққа таъсири жамиятдаги ахлоқий қадриятлар тизимида намоён бўлмоқда.

Миграцион жараёнларнинг трансчегаравий характери оқибатида турли конкрет жамиятлардаги ахлоқий муносабатлардаги аномал ҳолатларни, шахслар ва субмаданиятлар ахлоқидаги деградациянинг механик қоришувни кўришимиз мумкин.

Аҳоли миграцияси феномени глобал ахлоқий муҳитнинг трансформациясига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир этувчи омил ҳисобланади. Мазкур омил миграциянинг ахлоқий муҳитга таъсири бир бири билан изчил боғлиқ бўлган қуйидаги уч жиҳатга эга:

- 1) миграциянинг иммигрант мамлакатлар ёки жамиятлар ахлоқий муҳитига таъсири, давлатларнинг иммиграцион сиёсатининг ахлоқий моҳияти;
- 2) аҳоли миграциясининг эмигрант давлат ёки жамият ахлоқий муҳитига таъсири ҳамда ушбу таъсирнинг ижобий ва салбий жиҳатлари;
- 3) миграция жараёнининг муҳожирлар, муҳожирлар жамоаси, диаспорасининг ҳаётига, уларнинг ахлоқий қиёфасига таъсири, мигрантлар жамоасининг ахлоқий қадриятлар тизимидаги ўзгаришлар.

Миграциянинг бу хусусиятига мос равишда ушбу жараённинг барча ахлоқий нормалари, тамойиллари, идеаллари, қоидаларини ўзида жамлаган миграция ахлоқи ҳам доимий равишда турли омиллар, ижтимоий, сиёсий жараёнлар таъсирида трансформацияга учраб боради.

Мигрантларнинг ижтимоий муҳитга адаптациясида маргиналлашув, трайбализм, стигматизм, ксенофобия (мигрантофобия), дискриминация, расизм, ҳатто экстремистик зўравонлик каби ижтимоий ахлоқий муаммолар вужудга келиши мумкин. Ушбу муаммолар оғир ахлоқий оқибатларга олиб келиб, адаптацияни мигрантлар учун оғриқли, мураккаб, хавфли жараёнга айлантиради.

Демак, миграция эмигрант мамлакатнинг ахлоқий муҳитига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир қилади. Одатда, миграциянинг эмигрант давлат ва жамият ахлоқий муҳитига таъсирини бағрикенглик ахлоқи, фикрлар хилма-хиллигининг қарор топиши билан боғлиқ ижобий ва мавжуд ахлоқий қадриятлар тизимининг емирилиши билан алоқадор салбий маънода тушуниш мумкин. «Оммавий маданият»нинг тарқалиши, ахлоққа зид иллатларнинг оммалашуви, ахлоқий муҳитга миграциянинг салбий таъсирининг олдини олиш учун мигрантларда миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларга асосланган «маънавий иммунитет» мавжуд бўлиши талаб қилинади.

Ўзбекистонда аҳоли миграциясининг ижтимоий ахлоқий муҳит, ахлоқий қадриятлар тизимидаги трансформацион жараёнларга таъсир кўрсатаётганлигини жамиятимиз ҳаётида турли кўринишдаги ғайриахлоқий, зарарли таҳдидларнинг пайдо бўлаётганлиги, «оммавий маданият»нинг миллий ахлоқий қадриятларимизга зид бўлган турли кўринишларининг кириб келаётганлиги, оилавий муносабатлардаги ўзгаришлар, оиланинг миллий ахлоқий қиёфаси, унинг муқаддаслигига муносабат ўзгараётганлиги каби жараёнларда кузатишимиз мумкин. Иккинчи томондан олиб қараганда эса, аҳолининг бошқа давлатга, бегона ахлоқий муҳитга кўчишига ўзи яшаётган жамиятдаги ахлоқий қадриятлар тизимида мавжуд бўлган муаммолар, ўзгаришлар сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли миграцияси тарихан инсоният популяциясининг зарурий шарти бўлган бўлиб, у глобаллашув даврида кўп қиррали глобал моҳият касб этмоқда. Аҳоли миграцияси жараёни миграция ахлоқи ва миграцион сиёсатнинг таъсирлашувини

тақозо этади. Бу ўз навбатида мигрантларда миллий ўзликни ва тарихий хотира, маънавий тарбия ва мафкуравий иммунитет, интеллектуал салоҳият ва ватанпарварлик туйғуларини бугунги замон руҳига мос равишда шакллантиришни тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 446.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 589-бет.
3. Богомолова Ю.А., Острцова А.В.. Миграционные тенденции населения Российской Федерации // Инновационная наука. – М., 2016. – по. 1-1 (13). – С. 151-153.
4. Воробьёва О.Д. Миграционные процессы населения: вопросы теории и государственной миграционной политики. Аналитический сборник. 2003. - №9 (202). –С. 32.
5. World Migration Report 2018 (https://publications.iom.int/system/files/pdf/wmr_2018_en.pdf) International Organization for Migration. – P. 15
6. Allahyarova T. The decline of liberal political philosophy as one of the reasons of crisis of migration and multiculturalism in western society // Philosophy and life. – Tashkent, 2018. – № 1/2 (1). – P. 13.